

	Индорама Агро МЧЖ	Хужжат №	O.06 IMS F-1
		Нашр № ва Сана	Ver. 1 05.09.2022
		Текш.№ ва Сана	
		Амалга кириш санаси	16.09.2022
		Саҳифа	Page 1 of 1
МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИКИШ СИЁСАТИ			

"Индорама Агро" МЧЖ ХК (Компания) ходимлар ва манфаатдор томонларга мурожаатлар ва шикоятларни ҳал қилишнинг самарали ва тезкор жараёнини тақдим этишга интилади. Ушбу сиёсатимиз мурожаатларни конфидециал тарзда топшириш ва кўриб чиқиш учун осонликча очик, шаффоф ва изчил жараёнга эга бўлган мурожаатларни кўриб чиқиш механизмидан иборат. Мурожаатлар лойиҳанинг бутун ҳаёти давомида ижтимоий ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган компания манфаатдор томонлари томонидан билдирилиши мумкин.

Мурожаатлар кўриб чиқиш сиёсатини асосий мақсадлари, бу:

- Манфаатдор томонлар ўз ташвишларини билдириш, мурожаатлар юбориш ва муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш учун, айниқса экология ва ижтимоий масалалар бўйича имкон яратиш;
- Мурожаатларни йўналтириш ва ҳар бир мурожаатга ўз вақтида жавоб беришни таъминлайдиган тизимни таъминлаш;
- Манфаатдор томонларга лойиҳа жараёнлари ва/ёки қурилиш билан боғлиқ муаммолари ва шикоятларини ҳал қилиш учун қулай ва ишончли механизмни тақдим этиш.

Мурожаатлар сиёсати компанияни доимий ва мавсумий ходимлари, маҳаллий ишчилари (шу жумладан ёнланма ишчилар), шартнома асосида ишлайдиган фермерлар, пудратчилар, етказиб берувчилар ва Компания фаолияти туфайли бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай манфаатдор томонлар учун очик ва қўлланилиши бўлиши керак.

Мурожаатлар сиёсатини самарадорлигини ошириш учун компания тизимни амалга ошириш ва ишлатиш жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилиши керак:

- Мутаносиблик
- Маданий жиҳатдан мослик
- Тенг фойдаланиш имконияти
- Шаффофлик ва маъсулиятлик
- Тегишли ҳимоя

Ушбу сиёсат бўйича қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилади:

- Ишга қабул қилиш шартлари ва шароитлари, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича шикоятлар.
- Жинси, ёши, этник келиб чиқиши, дини, ногиронлиги ва бошқа ҳар қандай ва ишчилар билан боғлиқ масалаларга асосланган камситишлар ва суистеъмоллик.
- Маҳаллий аҳоли мулки ва ресурсларига экологик ва ижтимоий таъсири оқибатида юзага келган шикоятлар.
- Иш пайтида юзага келган келишмовчиликлар, ва маҳаллий аҳоли билан бўлаган муаммолар шикоятлар. Ҳар қандай нотўғри хатти-ҳаракатлар, спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, жамиятнинг ҳар қандай аъзоси, айниқса аёллар ва заиф аҳоли билан нотўғри хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ шикоятлар.
- Компанияни иш фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай бошқа масалалар.

Шикоят эгаси ким бўлишини ва шикоятга қандай муносабатда бўлишини аниқлаш учун шикоятлар жиддийлик даражасига қараб масъул ходимлар томонидан текширилади. Агар мураккаброқ текширув талаб этилса, шикоятчи шикоятни/муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳаракатлар ва белгиланган вақт ҳақида хабардор қилиниши керак.

Индорама МЧЖ ушбу сиёсатни амалга оширади, назорат қилади, ва бу бўйича мунтазам равишда ҳисобот беради. Ушбу сиёсат ҳар 2 йилда қайта кўриб чиқилади.

Тайерлаган:	Лавозим: - ЭИБ Бўлим Бошлиғи	Сана: 15.09.2022
Текширган:	Лавозим: - Бош Бошқарувчи Раҳбар	Сана: 15.09.2022
Тасдиқлаган:	Лавозим: - Бош директор	Сана: 15.09.2022

